

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“МОЛИЯ БОЗОРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР” КАФЕДРАСИ

ТЎХТАМУРОДОВ ОМОН ЭЛЁРОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ
ҲОЗИРГИ ДАВР МУАММОЛАРИ**

**5341500 – “Молия инжиниринги” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Тошкент - 2012

МУНДАРИЖА

Кириш	- бет.
1 боб. Иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этишнинг назарий - ҳуқуқий асослари	- бет.
1.1 Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг зарурлиги ва аҳамияти	- бет.
1.2 Ўзбекистондаги инвестиция сиёсати ва инвестиция муҳити	- бет.
1.3 Иқтисодиётга инвестициялар жалб этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари	- бет.
2 боб. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этишнинг амалдаги ҳолати таҳлили	- бет.
2.1 Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига тўғридан - тўғри инвестициялар улушининг таҳлили	- бет.
2.2 Иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришда марказлашган инвестицияларнинг таҳлили	- бет.
2.3 Хорижий инвестициялар жалб этишнинг амалдаги ҳолати таҳлили	- бет.
3 боб. Иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш масалалари	- бет.
Хулоса	- бет.
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	- бет.

Кириш

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида жаҳонда вужудга келган молиявий – иқтисодий инқироз Ўзбекистонга ҳам бирмунча салбий таъсирини кўрсатиб ўтди. Мана шундай шароитда ҳукуматимиз томонидан пухта ишлаб чиқилган инвестиция сиёсати ўзининг ижобий самараларини берганлигини бугунги кунда ҳаммамиз бунга яққол гувоҳи бўлиб турибмиз. Яна республикаимиз иқтисодиётини модернизациялаш йўлида бормоқда. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон мамлакат иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, айниқса, хусусий секторни ривожлантирар экан, инвестицион фаолиятни жадаллаштиришдаги халқаро тажрибаларга суянмоғи лозим. Бинобарин, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил ва нуфузли тарзда кириб бораётганлиги мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий соҳаларидаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланишни талаб қилиши табиийдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”¹.

Ўзбекистоннинг бугунги кунда йирик хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар қаторига кириши учун барча иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар яратилган. Лекин, Ўзбекистонга хорижий инвесторларни жалб қилиш ва улар киритаётган сармоялар миқдори ҳозирги давр талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам бозор ислохотларининг навбатдаги босқичида мамлакатимизга йирик хорижий инвестицияларни киритиш мақсадида уларни жалб этишнинг мавжуд тизим ва механизмларини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим.

Давлат мулкисининг иқтисодиётдаги салмоғи камайиб, хусусий секторнинг ўрни ва ролининг ошиб бориши натижасида чет эл инвесторларида республикаимиз иқтисодиёти тармоқларига, шу жумладан аграр соҳага сармоя киритиш борасидаги қизиқиши ортиб бормоқда. Бироқ, имкониятлар чегараланган бўлсада мамлакатдаги мавжуд инвестицион муҳит ички ва хорижий хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳар қандай шароитда ҳам бўш турган пул маблағларини инвестицион фаолиятга жалб этиш ва ундан даромад олишни кафолатламоғи лозим. Бу вазифани оқилона ҳал қилиш, ўз навбатида, самарали ҳисобланган устувор тармоқларни аниқлаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни рағбатлантирувчи мақбул инвестицион сиёсат юритиш ва қўлай инвестицион муҳит яратишни талаб этади. Шу боисдан ҳам нафақат ички, балки хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш йўналишларида илмий-амалий асосланган хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш муаммолари ечимига қаратилган ишлар қаторида С.Абрамов, В.Золотогоров,

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир /И.А.Каримов. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 57-б.

В.Ковалев, Д.Морозов, В.Черкасов ва бошқаларнинг илмий ишларини келтириш мумкин.

Миллий иқтисодиёт тармоқларини инвестицияларни жалб этиш орқали ривожлантиришга бағишланган масалалар И.Каримов асарларида, шунингдек, А.Ваҳобов, Н.Жумаев, Н.Ҳайдаров, М.Шарифхўжаев, Д.Ғозибеков, Н.Каримов, Ф.Додиев ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Изланишнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларини инвестицияларни жалб этиш орқали ривожлантириш учун зарур шароитни яратишга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва уларни ташкил этиш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилди:

- миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг зарурлиги ва аҳамиятини ўрганиш;
- иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари билан танишиш;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига тўғридан - тўғри инвестициялар улушининг тахлилини амалга ошириш;
- иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришда марказлашган инвестицияларнинг тахлилини кузатиш;
- Хорижий инвестициялар жалб этишнинг амалдаги ҳолати тахлили билан танишиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида инвестицияларнинг жалб этишни такомиллаштириш масалалари бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ишнинг объекти ҳисобланади.

Изланишнинг предмети. Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини инвестицияларни жалб этиш орқали ривожлантириш бўйича иқтисодий-молиявий муносабатлар ишнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари бўйича битирув малакавий ишида иқтисодиёт тармоқларини инвестицияларини жалб этиш бўйича берилган фикр ва мулоҳазолар, амалий кўрсаткичлар таҳлиллари иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари учун дарс жараёнида маърузалар матнларини тайёрлашда амалий аҳамиятга эга.

Ишнинг ҳажми. Битирув малакавий ишда кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхатлардан иборатдир.

1 боб. Иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этишнинг назарий - ҳуқуқий асослари

1.1. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишнинг зарурлиги ва аҳамияти

Инвестициялар назарияси ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида бир қанча босқичларни босиб ўтди. В.В.Аладьиннинг фикрича инвестицияларнинг дастлабки белгиларини Австрия иқтисодчилари мактабининг илмий ишларида кўриш мумкин². Иқтисодий луғатда “инвестициялар - капитални узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида саноатга, кишлок хўжалигига, транспортга ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради”³, - деб таърифланган.

Уильям Ф.Шарп, Гордон Дж.Александр, Джеффри В Бэйли инвестициялар хақида қўйидаги фикрларни билдиради: мумкин қадар кенгрок маънода айтганда “инвестициялар” - бу “келажакда каттарок фойдага эга бўлиш учун бугунча пулдан ажралишдир”.⁴ Муаллифлар, пул маблағларини қўйилмалар сифатидаги - инвестициялар ва бу пуллардан келажакда кўпроқ сумма олиш учун бугун воз кечиш деб қарайди. Бизнингча бундай фикрлаш бир томонлама бўлиб, инвестициялар нафақат пул маблағлари кўринишидаги пул даромадлари бўлиб қолмай балки, бошқа моддий ва номоддий кўринишларда ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, муаллифлар инвестициялаш ва жамғармалар (*savings*) ўртасидаги фарқни кўрсатиб, айтишадики, жамғарма “истеъмолга ажратилган” қийматдир. “Инвестициялаш” тушунчаси келажакда миллий махсулотни кўпайтириш билан боғлиқ реал инвестициялашгача бўлган жараённи ифодалайди.

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳиятини ўрганишга бағишланган илмий адабиётлар қаторида хориж олимлари билан бир қаторда МДХ мамлакатлари, жумладан россиялик иқтисодчи олимлар (П.И.Вахрин ва А.С.Нешитойлар, Н.В.Игошин, С.В.Валдайцев, П.П.Воробьев ва бошқалар Я.С.Мелкумов, Г.И.Иванов, В.П.Жданов) сезиларли илмий изланишлар олиб боришга эришган.

Муаллифлар инвестицияларга таъриф берар экан, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицияларнинг асл иқтисодий мазмунини очиб беришга ҳаракат қилган. Бироқ, айрим иқтисодчилар инвестицияларни узоқ муддатли капитал қўйилма сифатида қарашса, айримлари, фақат, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги капиталлашувни инвестиция деб қарайдилар.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам инвестицион фаолиятнинг иқтисодий масалаларини ўрганиш бўйича жиддий илмий изланишлар (Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ҳ.Ҳайдаров, ҳуқуқий томонларини Б.Б.Самарходжаевлар ёритиб, докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя этдилар) олиб борилмоқда ва муайян муваффақиятларга ҳам эришилди. Жумладан, проф. Д.Ғ.Ғозибеков инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини молиявий категория сифатида талқин этиб, аниқ ва ноаниқ рисклар, сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги

² Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации. /В.В. Аладьин. – М: Социум, 2002. С.17.

³ Финансово-кредитный словарь. Т. 1. – М.: «Финансы и статистика», 1984. - С. 470.

⁴ Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. ИНВЕСТИЦИИ: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2003. – XII, С.1.

қийматини сақлаш ва уни капиталлаштириш жиҳатларига эътиборни қаратиб, қўйидагича таъриф беришга эришган: “инвестициялар назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор рисклар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида, ўз ва ўзга маблағлар қийматининг капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланишидан далолат беради”⁵. Келтирилган фикрлар шундан гувоҳлик бераяптики, чиндан ҳам инвестициялар фақат асосий капиталга йўналтирилиб, қолмасдан балки, айланма активларни шакллантиришга ҳам йўналтирилади. Шунингдек, муаллиф мазкур илмий асарида глобализация ва иқтисодий трансформация шароитида инвестиция фаолиятининг назарий ва амалий масалалари тадқиқотида эътиборини қаратган. Инвестицияларнинг ғоят муҳим сифат тавсифлари, рисклар билан тўқнашувлар, молиялаштириш манбалари ва мақсадларга эришиш усуллари ўртасидаги узвий боғлиқликлар асослаб берилган. Инвестицияларнинг самараси, уларнинг мазмун-моҳияти, сифат тавсифларига боғлиқлиги, молиялаштириш манбаларининг ишончлилигидан келиб чиқиши асосланган. Инвестицияларнинг жорий қийматини сақлаш, бўлажак қийматини кўпайтириш, капиталлаштириш ва юқори самараларга эришиш йўллари тизимли равишда пулнинг замонавий қиймат концепциясидан келиб чиққан ҳолда асослаб берилган. Муаллиф инвестицияларнинг мазмун ва моҳиятини очишда “инвестиция” тушунчасига айнан молиявий категория сифатида қарайди ва уни аниқ ва ноаниқ рисклар, сафарбар этилаётган капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва уни капиталлаштириш жиҳатларига эътиборни қаратган.

Проф. Н.Х.Ҳайдаров ўз илмий ишларини корхоналар инвестицион фаолиятида молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалаларига бағишлади ва у қўйидаги таърифни берди: “Инвестиция - бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”⁶. Бу ерда муаллиф инвестицияларга мулкчилик шакллари, инвестицияларнинг турлари ва натижа олишнинг иқтисодий-ижтимоий томонларини моҳирлик билан қамраган ҳолда, таъриф беришга эришган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қайта таҳрирдаги Қонунида инвестицияга қўйидагича таъриф берилган: “инвестиция - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар”⁷, сифатида таърифланади.

Юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, “инвестициялар” тушунчаси “капитал қўйилмалар”, “инвестицияларнинг мулкий шакли”, “капитал”, “кредит” ва бошқа тушунчаларга

⁵ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: “Молия” нашриёти, 2003. 14-15-б.

⁶ Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. 29 б.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1998. 24 декабр. //Солиқлар ва божхона хабарлари. 4-сон, 1999. 3-б.

қараганда кенгроқ, “сиғимлироқ” тушунча ҳисобланади⁸. Капитал қўйилмалар инвестицияларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда инвестицияларнинг таркибида капитал қўйилмалардан ташқари айланма маблағ (восита)лар ҳам мавжуд. Демак, кўриниб турибдики, капитал қўйилмалар тушунчаси айнан инвестициялар тушунчасини англатмайди. Умумлаштирадиган бўлсак, инвестициялар бу фақат узоқ муддатли капитал қўйилмалар бўлибгина қолмасдан, балки қисқа муддатли қўйилмаларни ҳам ўз ичига олади. Демак, инвестициялар - мулкчиликнинг барча кўринишларидаги моддий ва номоддий бойликларни иқтисодий-ижтимоий даромад олиш мақсадида муомалага киритишдир.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига кўра “чет эл инвесторлари асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари”⁹, деб эътироф этилади.

Фикримизча, хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Хорижий инвестицияларни ички инвестициялардан фарқли жиҳатларидан бири, уларни амалга ошириш билан боқғлиқ бўлган қўшимча уч гуруҳга ажратилган барча рискларни олдиндан ҳисоблаб чиқишидадир (Қаранг: 1-илова).

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра чет эллик инвесторлар хорижий давлатлар, ажнабий фуқаролар, фуқароларнинг уюшмалари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет элда доимий равишда яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши мумкин. Шунини таъкидлаш зарурки, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда иштирокчилардан бири албатта хорижий юридик шахслардан бўлиши талаб этилади. Хорижий инвестицияларнинг таркибини қўйидагича гуруҳлаш мумкин (Қаранг: 1-расм).

Хорижий инвестицияларни мулкчилик шаклига кўра хусусий, давлат, хорижий ва аралаш инвестицияларга таснифлаш тмақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга хорижий инвестицияларни йўналиш объектига қараб молиявий ва реал инвестицияларга ҳам ажратиш мумкин. Ривожланган мамлакатларда молиявий инвестицияларнинг таркибида асосий ўринни шахсий мулк эгаларининг инвестициялари ташкил этади. Республикамизда қимматли қоғозлар бозори эса фақатгина шаклланиш босқичида бўлиб, молиявий капитални соҳалар ўртасида тақсимлаш функциясини деярли бажармаяпти. Хорижий инвестицияларни ички


⁸ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: “Молия” нашриёти, 2003. 28-б.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 1998. 30 апрел. //Халқ сўзи. 1999. 12 январ. 7-сон. 1-б.

инвестициялардан фарқли жиҳатларидан бири, уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча уч гуруҳга ажратилган барча рискларни олдиндан ҳисоблаб чиқирилишидадир.

1-расм.

Инвестицияларнинг таснифланиши



Манба: Мақсудов Ф., Аноркулова И. Ўзбекистон иқтисодиёти учун бевосита хорижий инвестициялар: ишларнинг бориши ва истикболлари. //Бозор,пул ва кредит. 5-сон, 1997.6-б

Ҳозирда Республикада жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамалакатлари фирмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналар мавжуд бўлиб, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Швейцария, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Хитой каби давлатларнинг инвестициялари иштирокидаги барпо этилган корхона-ларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари жами хорижий инвестиция иштирокида барпо этилган корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг 80 фоизини ташкил этади. Шунингдек, бу давлатлар инвестицияси иштирокида барпо этилган корхоналар жами экспорт/импорт операцияларнинг 90 фоизини ташкил этади. Маҳсулот ишлаб чиқаришда инвестор шериклар иштироки бўйича ажралиб турадиганлар: Жанубий Корея (13,4 млрд.сўм) ва АҚШ (10,4 млрд.сўм), Буюк Британия (3,8 млрд.сўм), Туркия (3,1 млрд. сўм), Италия ва Германия (тахминан 1 млрд. сўмдан)¹⁰. Истиқболда республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга хорижий илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга қадри баланд валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Юқори техник савиядаги тайёр маҳсулотлар улуши оширилиши қуйидаги жиҳатларга боғлиқ: а) хорижий мамлакатлардаги корхоналар ўртасида операция алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш; б) юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва ички тизими яхшиланишига хизмат қилиш; в) экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техник-тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган илмий-техник ютуқларининг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш; г) илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан-технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини берувчи шарт-шароит яратувчи инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш; д) инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул уйғунлашуви асосий йўллариини белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасигача етказиш; е) ўзбек олимлари-мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини

¹⁰ Максудов Ф., Анорқулова И. Ўзбекистон иқтисодиёти учун бевосита хорижий инвестициялар: ишларнинг бориши ва истиқболлари. //Бозор,пул ва кредит. 5-сон, 1997.6-б.

кенгайтириш ва чуқурлаштириш; юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижорат ва технология менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш ва ҳ.к..

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари фаоллашиб бормокда. Сўнгги вақтларда республика иқтисодиётига ҳал йилда 1-1,2 млрд. АҚШ доллари жалб қилинмокда¹¹. Бу камми ёки кўп? Бу саволга жавоб бериш қийин, лекин амалга ошириш мумкин ва шарт бўлган имконият мавжудлиги аён.

Хулоса қилиб айтганда, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг роли ишлаб чиқариш қувватларини модернизаци қилиш, бошқару тажрибаларини ўзлаштириш, ишсизлик муаамосини ҳал этишга кўмаклашиш, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кўплаб қайта ишловчи корхоналарни қуриш билан изоҳланади.

1.2. Ўзбекистондаги инвестиция сиёсати ва инвестиция мухити

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг мақради хужалик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил қдчиш асосида мамлакатнинг инвестиция салоҳиятини оширишдан иборат. Оқи-лона инвестиция сиёсати, биринчи навбатда, инвестиция жараён-ларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқ.али барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши лозим. Инвестиция сиёсати миллий ва хорижий инвесторларнинг хужалик фаолиятини юри-тишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратиши керак. Бунда корхоналар ва ахрлининг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш ҳамда республика иқтисодиётига хорижий капитални кент жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ислохотларнинг дастлабки боскичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йуналтирилган эди. Шу мақсадда Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмокда. Ушбу дастурларга киритилган лойиҳдларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ривожланиш суръатларини барқарорлаш-тириш имконини берди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш боскичида амалга оши-рилаётган инвестиция сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва стратегик мақсадларини белгилаш, Ўзбекистоннинг халқ.аро иқтисодий ҳамжамиятдаги роли ва урнини аниқдаш имконини берди.

¹¹ Нодирхонов У. Мамлакат рейтингига кўра хорижий инвестициялар. //Бозор, пул ва кредит. 2000. 8-сон, 47-б.

Бозор муносабатларига утиш даврида мамлакатнинг иктисодий мустакиллиги ва озик-овкат хавфсизлигини таъмин-лайдиган асосий тармоқдарни ривожлантириш устувор йуналиш деб белгиланди. Маблаглар, биринчи навбатда машинасозлик, ёкилга-энергетика комплекси тармоқдари, рангли металлургия, кимё саноати каби соҳаларга йуналтирилди, янги самарали тармоқ — автомобилсозликка асос солинди. Асосий тармоқлар

билан бир каторда, республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш комплекслари, енгил ва озик-овкат саноатлари ривожланди. Мамлакатнинг иктисодий мустакиллигини янада мустаҳкамлаш учун транспорт ва телекоммуникация тизимлари шакллантирилмоқда ва улар ички алоқаларни ривожлантириш билан бирга яқин ва узоқ, хориж мамлакатлари билан ташқи иктисодий алоқаларни ҳам таъминламоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳодда, инвестиция сиёсатининг макродаражадаги бош мақсади қайта ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, унинг иктисодий салоҳиятини юксалтириш, умумик-иқтисодий тараққиётга эришишга (яъни ички маҳсулот, ҳажмининг ўсиши, янги иш жойлари микдорини қўпайтириш қиритилган маблаглар самарадорлигини ошириш)га қаратилган инвестиция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланишининг таъсирчан тизимини яратишдир. Микродаражада у хужалик субъектлари томонидан фонда (даромад) олиниши мақсадига бўйсундирилган.

Мазкур мақсадга мувофиқ давлат инвестиция сиёсатининг асосий вазифаларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

- инвестиция фаолиятини жонлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган мақсадли йуналтирилган сиёсат юритиш;
- маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳрни бозоридаги рақибат-бардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устувор тармоқларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- инвестиция лойиҳаларининг танлов асосида давлат томонидан молиялаштирилишини амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида «очик» иқтисодиёт сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- қурилиш материаллари ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш.

Инвестиция муҳити - бу мамлакатдаги инвестиция жараён-ларига таъсир қўлуватувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидан иборат. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазил-малар захиралари, ишчи кучи малакаси ва уртача иш ҳаки даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сигими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиқка тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади. Мамлакатимиз мустакилликка

эришганидан буен кудай инвестиция мухитини яратиш давлатимиз иктисодий сиёсатининг устувор йуналишларидан бири булиб келмокда.

Инвестиция мухитининг мухим таркибий кисми давлатнинг крнунчилик базасидир. Узбекистонда давлат мустакиллиги карор топган нисбатан киск,а давр мобайнида инвестиция сохасида ишончли меъёрий-хукукий база яратилди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва куллаб-кувватлаш тизими куп сонли конунчилик-хукукдй ва меъёрий хужжатлардан иборат булиб, куйидагиларни уз ичига олади: конунлар ва мамлакат Президентининг фармонлари; к,арорлари; республика хукумати Карорлари ва дастурлари; ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий ривожланишнинг комплекс ва давлат дастурлари; хукумат-лараро шартномалар ва битимлар; вазирлик ва идораларнинг низомлари, йуриқномалари, стандартлари, коидалари ва хоказо; ХУДУДИЙ бугинлар ва хужалик субъектлари доирасида амал киладиган низомлар хамда уставлар ва хоказолар.

Мамлакатнинг инвестиция мухитини шакллантирадиган омиллар комплекси куйидаги чизмада келтирилган (1-жадвал).

Иктисодиётдаги инвестиция мухити, биринчи навбатда, мамлакатдаги иктисодий баркарорлик билан белгаланеди. Мамлакатдаги иктисодий ахволни таърифлайдиган асосий курсаткичлар (ЯИМ, саноат ва кишлок хужалиги иппаб чикаришининг усиши суръатлари, ташки иктисодий алокаларнинг ривожланиши даражаси ва хоказолар) айнаи вақтда етарлича баркарор динамикага эга ва кулай инвестиция мухитини шакллантиришда салмокли кафолат хисобланади.

Инвестиция кабул килувчи мамлакат ички бозори сигимининг катталиги хорижий инвесторлар учун мухим омил хисобланади. Тахдиллар курсатишича, Узбекистоннинг ички бозори истеъмол товарлари билан хали тулик туйинтирилмаган, шу боис ахоли ялпи талабининг сезиларли кисми импорт хисобига крндирилади.

Капитални ташк.аридан жалб килишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорларга инвестициялаш учун кулай мухитни шакллантиришга кумаклашадиган рағбатлар тизимини таклиф килишдир. Республика конунчилиги томонидан мустакил йилларида кабул килинган имтиёзлар ва рағбатлар етарли микдорда булиб, инвесторлар фаолиятининг хамма жихатларини камраб олган.

Узбекистан юкрри технологик махсулотларни ишлаб чикариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техникавий салохиятга эга. Республикада куп тармокди саноат салохияти мавжуддиги туфайли автомобиллар, самолётлар, трансформаторлар ва аккумуляторлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар, тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модификациялари каби илмий тараккиётга асосланган мах-сулот турларини ишлаб чикаришни ташкил килишга эришилди.

Республиканинг хорижий инвесторлар учун юкрри жози-бадорлигининг яна бир мухим омили бой ресурс базасининг мавжудлигидир.

Узбекистан Республикасида кулай инвестиция мухитининг яратилгани боис киска муддатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг куламли инвестициялар буйича шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида автомобилсозлик, нефть-кимё, электроника тармокдари вужудга келди. темир йул

вагонлари ишлаб чиқарадиган ва вертолётларни таъмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди.

1-жадвал

Мамлакатнинг инвестиция муҳдги ва уни келтириб чиқарадиган омиллар

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тулов балансининг ҳрлати, валюта пул тизими барқарорлиги, ташки иқтисодий алоқаларнинг ривож-ланганлиги, ички бозор сигимининг катталиш, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва кишлок, хужалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг усиш суръатлари.
Хукукий база	Янги шароитларга мое келадиган, мамлакат ва унинг алохида тармоқдарининг ижтимоий-иқтисодий ривожла-ишини бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, йуриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хом ашё ресурслари	Минериал, хом ашё, ёкилги-энергетика ва сув ресурслари захиралари, кишлок, хужалиги хомашёси ишлаб чиқариш хажмлари.
Меҳмат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд ахрли улуши, ишеизлик даражаси хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси.
Ишлаб чиқариш-нинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қув-ватларидан фойдаланиш даражаси, усқуналарнинг фойда-ланиш муддати таркиби, асосий фондларининг эскириши даражаси.
Илмий-тех-ника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестиция-лар, шу жумладан, хорижий инвестициялар хажмлари. Инвестиция таваккалчилик даражаси. Ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқдаридан фойдаланиш ва ИТТКИ соҳасини ривожлантириш ҳрлати, маҳсулотнинг фан сигамқорлиги катта ва юқрри технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит тизими	Солик ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати.
Инфратузилма	Банк тизими ривожланиши ҳрлати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хужалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, суғурга соҳаси тармогининг ишончилиги.
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиацион фон, зарарли чиқиндилар.

Манба: Вахабов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. - Т.: «Молия», 2010, 328 бет.

Энергетика, қрра ва рангли металлургия, ёнилги ва туқимачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқдари қабии иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини техник модернизациялаш амалга оширилди. Хорижий инвестицияларнинг жалб қдлиниси гушт-сут маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни қ.айта ишлашнинг моддий-техника базасини қескин янгилашга ёрдам берди.

Маҳдллий хом ашёни қ,айта ишлашни қуқуқулаштириш/қдйта ишловчи тармоқдарнинг мамлакат саноат мажмуасидаги улушини қупайтириш экспортнинг янги тузилмасини шакллантиради, унда салмоқди урин тайёр буюмлар ва қуқуқуқ қ,айта ишлаш даражасига етқазилган маҳсулотлар эгаллаган.

Инвестиция мухитини шакллантиришда инфратузилма бу-гинларининг ривожланганлик даражаси, яъни хорижий капи-талнинг окиб келишига хизмат килувчи, куллаб-кувватловчи таш-килотларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомил-лашиб бораётганлигини намоён этувчи яна бир жихат — давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сези-ларли даражада узғариб бораётганлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «... узлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва ахрли маблаглари ташкил этади. Бу мамлака-тимизда солиқ, юкини камайтириш ва хужалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш буйича олиб борилаётган солиқ. сиёсати канчалик тутри эканини яна бир бор тасди^айди»¹¹⁴. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблаиҳар динамикаси шуни курса-тадики, агар 2005 йилда давлат бюджетидан молиялаштирилган маблагларнинг 36,2%и республика бюджета, 63,8% и маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2009 йилда бу нисбат тегишли равишда 35,5% ва 64,5% ни ташкил этади (5.6.1-расм). Бу эса инвестиция жараёнларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини курсатади.

2009 йилда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари буйича муҳдим ишлаб чиқдриш объектларининг барпо этилишига алоҳдда эътибор қаратидди. «Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш буйича тармоқ. дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳ.аси амалга оширилди.

1.3. Иқтисодиётга инвестициялар жалб этишнинг меъёрий ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласи ҳозирда иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги, аграр республикани индустриал давлатга айлантиришдаги ана шундай муҳим муаммолардандир. Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Биз ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз”¹². Хорижий инвестицияларни жалб этишда қуйидаги тамойилларга асосланилмоқда: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш; республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш; республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларни янада қўллаб-қувватлаш; маблагларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.:“Ўзбекистон”, 1995. 115-б.

Ҳозирда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш муаммоси фақатгина халқаро тажрибани ўрганишни эмас, балки республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг зарурлигини, уларнинг шакллари, хорижий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини яратиш муаммоларини, хорижий инвестиция иштирокида барпо этиладиган корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятларини чуқур таҳлил этиш, умумлаштириш ва асослашни, шунингдек, республикада бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасидаги тавсияларни таклиф этишни талаб этади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. У иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигида инвестицияларнинг бекиёс ўрин тутишини ўз вақтида тўғри англаб етганлигининг натижасида инвестицияларга, хусусан, чет эл инвестицияларига бўлган эътиборнинг кучайиши юз бердики, бу эса бугунги кунга келиб мамлакатимиздаги инвестицион фаолиятнинг ривожлантирилишига олиб келди. Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилишини ҳукуматимизнинг юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади”¹ - деган кўрсатмалари муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган сиёсатлар оқилона бир тарзда юритилмоқда, унинг натижаси ўлароқ республикаимиз иқтисодий тараққиёт йўлини эркин босиб ўтиш силсиласида ҳаракат қилмоқда. Бундай оқилона яратилаётган сиёсатлари сафига бугунги кунда давлатнинг бош мақсади ва сиёсатларидан бирига айланган инвестиция сиёсатини киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида юритадиган инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шунга кўра ва бугунги аҳвол Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади. Бу эса Ўзбекистоннинг ҳали ўзи учун сирлари очилмаган бозор муносабатларига ўтишдаги талаблар, хорижий инвестицияларга бўлган эътиборни кучайтириш, улар фаолиятининг давлат томонидан амалга ошишини таъминлаши, хорижий инвесторларни жалб қилишда уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берган ҳолда қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ишларини кучайтиришни, уларни жалб қилишнинг янги йўллари ва имкониятларини излаб топиш, инвестицияларнинг XXI асрнинг энг оламшумул аҳамият касб этувчи тушунчаси сифатида, янги иқтисодий тараққиётнинг бош омили сифатида қаралишидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг мамлакат иқтисодиётига кучли оқимини ташкил этиш ва уларни хазм қила олиш тадбирларини ишлаб чиқишни, инвестицияларнинг замонавий турларининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 16-17-б.

кенг ривожланишига таъсир кўрсатиш йўллари ва шу кабиларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганиб чиқишга асосланади. Бунинг учун бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади.

Республикамизнинг мустақиллик йилларидаги инвестиция фаолиятини аҳволи шундан далолат берадики, 1991-1994 йилларда инвестициялаш миқёслари жиддий тарзда тушиб кетди: мулк шакли турлича бўлган корхоналар маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари эвазига ўзлаштирган инвестицияларнинг умумий ҳажми тушиб кетишининг суръати умумиқтисодий пасайиш суръатларига нисбатан 1,8 барабар кўп бўлди¹³. Бунинг боисини молиявий ресурсларнинг умумий камомади содир бўлиши билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳолат МДХдаги бошқа республикаларга ҳам хос бўлди. Бу даврдаги инвестиция соҳасида содир бўлган аҳвол мамлакат иқтисодиётидаги тангликнинг бевосита натижаси эди. Корхоналар раҳбарларининг бутун куч ғайрати асосан, қувватларни мақбул тарзда ишлатишга, амалдаги ишлаб чиқаришни сақлаб қолишга, малакали кадрларнинг бқўшаб кетишига йўл қўймасликка қаратилди. Бунинг учун иш хақи фондлари, шунингдек, бошқа ишлаб чиқаришга дахлдор бўлмаган харажатлар ҳам кескин кўпайтирилдики, бу ҳам инвестиция фаоллигини қисқартирди. Шундай қилиб, корхоналарнинг жамғармалари эвазига пул билан таъминланадиган капитал маблағларнинг қисқариши жадаллашди. Фоиз ставкалари ошиб бораётган ва корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи беқарор бўлиб турган бир шароитда тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлар бериши хавфли бўлиб қолди. Бозор иқтисодиётининг тараққиёти учун аънанавий бўлган бошқа потенциал кредиторлар, яъни инвестиция ва нафақа фондлари, траст компаниялари 1991-1994 йилларда ҳали амалда ҳаракат қилувчи тизим сифатида шаклланмаган эдилар. Ана шу омилларнинг барчаси мамлакатда ўша даврда инвестиция активлигининг тушиб кетишига олиб келди. Республикада аҳоли сонининг ўсиб бориши, бозор иқтисодиёти даврида кўпгина корхоналарда иш жойларининг қисқариши янги иш жойларини, яъни катта бўлмаган турлича корхоналарни қуришни талаб қилмоқда. Шунингдек, ҳозирда республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасида нисбат кўпроқ истеъмолга йўналтирилгандир. Иқтисодиёт назариясидан бизга маълумки, иқтисодиётнинг ўсиши бу жамғариш даражасига боғлиқ, жамғарилган маблағ эса бу инвестиция манбаидир, бугунда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий даромаднинг катта қисми жамиятнинг турмуш шароитини маълум даражада сақлаб туришга ва ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда, бу эса ўз навбатида иқтисодиётни ўсиши учун йўналтирадиган инвестицион маблағлар ҳажмини камайтиради.

¹³ Фаттохова Ж., Юсупов М. 1991-1995 йилларда Ўзбекистондаги инвестиция фаолияти. //Бозор, пул ва кредит. 3-сон, 1997. 31-б.

Мамлакатнинг замонавий иқтисодий ривожланиш даражаси ва шунингдек, олиб борилаётган инвестицион фаолликнинг ўсиш суръатлари инвестицион муҳитга боғлиқ бўлади. Хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётига жалб этиш учун мавжуд шарт-шароитлар яратилиши зарурдир, хорижий инвестиция қачонки қайси мамлакатда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд бўлсагина ўша давлат иқтисодиётига қўйилиши мумкин.

“Инвестицион муҳит” мавҳум тушунча бўлиб, унинг муайянлигини инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини аниқлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитларнинг умумлаштирувчи хусусиятлари белгилаб беради.

Қулай инвестицион муҳит яратишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳуқуқий-меъёрий база бўлиб, у ҳар бир салоҳиятли инвесторнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялаши, кафолатлаши ва шунингдек, мамлакатдаги мавжуд инвестиция механизмининг тушунарли ва аниқ бўлишини таъминлаши лозим.

Содда қилиб, эътироф этганда инвестицион муҳит - бу инвестицион муносабатларни амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қўлайликлар мажмуасини ўзида акс эттирган воқеликдир. Инвестицион муҳитни яхшилашдан мақсад инвестицион салоҳиятни ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш ва провардида иқтисодиёт юксалиши, ижтимоий муаммолар ҳал этилиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортишидир.

Инвестицион муҳит - муайян мамлакатга (ёки ҳудудга) инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар мавжудлигининг ижобий ёки салбий томонларини англатади.

Республикада сиёсий-иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция муҳитини яратилиши ва хорижий капитални қабул қилиш тизимининг самарали бўлиши хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шартидир. Инвестицион муҳит инвестицион ресурсларни жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда капитал маблағларнинг даромадлигини таъминлаб беради.

Инвестиция муҳитини баҳолаш жараёнида инвестор инвестициялашнинг риск даражасини қанчалик эканлигини аниқлайди. Инвестиция муҳити даражаси қанчалик ёмон бўлса, инвестор ўз тадбиркорлик riskини шунчалик юқори белгилайди. Инвестиция муҳитини макро иқтисодий даражада қуйидаги схема кўринишида (Қаранг: 2-жадвал) тасвирлашимиз мумкин.

Инвестиция муҳитининг ҳолатини белгиловчи омиллар

Таъсир этувчи омиллар гурuhi	Кўринишлари
I. СИЁСИЙ ОМИЛЛАР	1. Давлатнинг инвестициялар, хусусан, чет эл инвестициялари бўйича сиёсати 2. Давлатнинг иқтисодиётга аралashiш даражаси 3. Мамлакатнинг халқаро шартномаларга қўшилганлик даражаси 4. Мамлакатнинг халқаро битимларга риоя қилиши 5. Сиёсий аҳволнинг барқарорлиги (сиёсий ҳаракатлар, тўқнашувлар, қўшни давлатларнинг осойишталиги) 6. Сиёсий ҳокимиятнинг мақсадли ҳаракати 7. Давлат аппаратининг самарали иш юритиши 8. Кўп партиявийлик ва сиёсий гуруҳларнинг мавқеи 9. Солиқ, валюта, нарх, пул-кредит сиёсатининг инвестиция сиёсатига уйғунлиги 10. Мамлакатдаги экологик вазият ва ҳукуматнинг экологик соғломлаштириш бўйича сиёсати кўлами
II. ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР	1. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи 2. Инфляция даражаси 3. Солиқ имтиёзлари 4. Божхона тартиби 5. Мамлакатнинг табиий ва хом ашё ресурслари ҳолати 6. Ишчи кучи ҳолати ва қиймати 7. Ишчи кучидан фойдаланиш тартиби 8. Муайян товарлар учун талаб ва таклиф 9. Рақобат ва баҳонинг эркинлиги 10. Валюта конвертацияси ва миллий валюта курсининг барқарорлиги 11. Банк фоиз ставкалари 12. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари 13. Мамлакатнинг географик-худудий жиҳатдан жойлашуви (табиий офатлар, денгиз ва қуруқлик йўллари, иқлим шароити кабилар)
III. ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР	1. Хусусий мулк ҳамда чет эл инвестицияларига нисбатан маҳаллий аҳоли муносабати 2. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва унинг турли-туманлиги 3. Аҳолининг мафкуравий қарашлари ва уларнинг турли-туманлиги 4. Мамлакатда турли миллатликка нисбатан мавжуд муносабат ва руҳият 5. Аҳолининг маълумотлилиқ даражаси 6. Ишчи-мутахассислар малакаси, кўникмалари ва тажрибаларининг ўсиб бориши ва унга интилиш 7. Янгиликлар ва турли хил ихтироларга аҳолининг муносабати ва уларни қабул қилиш даражаси
IV. ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАР	1. Инвестиция фаолияти ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамлик даражаси 2. Инвестиция фаолиятини бевосита таъминловчи ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамлик даражаси 3. Инвестиция фаолиятининг меъёрий асослари (фармонлар, қарорлар, қонунлар, низомлар, йўриқномалар ва ҳ.к.)

Манба: Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. - Т.: 1993

Бунинг учун эса у капитал рискига таъсир этувчи қўйидаги омилларни эътиборга олади:

- мамлакат ичкарасидаги сиёсий барқарорлик;
- минтақадаги яқин қўшничилик муносабатлари;
- ҳукуматнинг инвестицион муносабатларни ривожлантиришга қаратилган қонун-қоидаларининг мукамаллик даражалари.

Инвестицион салоҳият макроиктисодий хусусиятлар, ҳудуднинг ишлаб чиқариш омиллари билан тўйинганлиги, аҳолининг харидоргир талаблари ва бошқаларни ҳисобга олади.

Инвестицион риск даражасининг юқорилиги инвестиция ва ундан келадиган даромадни йўқотиш эҳтимолини кўрсатади. Охир-оқибат инвестицион фаоллик унинг инвестицион жозибадорлигига боғлиқ.

Инвестицион фаоллик - асосий капиталга қўйилган инвестиция кўринишидаги инвестицион фаолиятнинг реал (ҳақиқий) ривожланишидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун қулай инвестицион шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар қўйидагилар ҳисобланади: инвестицион фаолиятни меъёрий-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш; устивор ишлаб чиқариш соҳаларидаги хусусий секторга инвестицион лойиҳаларни бериш ва уларни ўзлаштиришда давлат кўмагининг аҳамиятини ошириш; инвестицион дастурларни ишлаб чиқиш орқали инвестицияларни иқтисодиётнинг устивор йўналишларига йўналтириш; инвестицион сиёсатга зарур ўзгаришларни тезкор равишда киритиш мақсадида, инвестицион жараёнларининг доимий мониторингини олиб бориш.

Қулай инвестицион муҳит мамлакатга капитал олиб келишни рағбатлантиради, инвесторлар фаолияти фаоллиги кўтарилишига хизмат қилади ва аксинча, инвестицион муҳит маъқул бўлмаса, инвестицион фаоллик сўна бошлайди. Қаердаки қулай инвестицион муҳит мавжуд экан ўша томонга хорижий инвестициялар оқими тезлашади. Дарҳақиқат, хорижий инвестициялар иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида “Биз иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш учун, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок этиши учун яратилган ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштиришимиз лозим”¹⁴ лигини ўқтириб ўтди.

Хорижда биздаги инвестиция муҳити ҳақида нима билишлари у қандай берилганлиги ва баҳоланиши аниқланишидан Ўзбекистоннинг жаҳон инвестициялари учун имкониятлари келиб чиқади.

Инвестиция муҳити микроиктисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Лекин инвестиция муҳити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардандир. Шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг,

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 243-б.

меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро хўжалик алоқалари қоидаларига асосланган ҳолда қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек хорижий инвестицияларнинг инфратузилмалари яратилмоқда.

Хорижий инвестор учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳимдир. Шунинг учун ҳам ривожланган кўгина мамлакатларда махсус инвестиция лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар қўйилишига талаб бўлган давлатларни инвестиция муҳитини ўрганадиган ва аниқ ҳулосаларни инвесторлар учун берадиган фирмалар, ташкилотлар мавжуддир. Масалан: Швецария, Германия каби қатор мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири 0-қониқарсиз ва 4-ўта қулайгача бўлган 4 балли шкала бўйича баҳоланадиган 15та муҳим кўрсаткични ҳисобга оладиган “BERI” (business environment risk index) ни қўллайди. “BERI” индекси 45-48 мамлакат бўйича йилига 3 марта эълон қилинади. Диссертациянинг 4-иловасида улар инвестиция қарорларини қабул қилиш бўйича аҳамиятидан келиб чиқиб акс эттирилган. Иловадан кўриниб турибдики, “BERI” индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 фоиз) энг катта аҳамиятга эга. Таҳлил кўрсатишича, ғарбий экспертлар айнан ҳарбий ҳаракатлар ёки ички вазиятнинг кескинлашуви юз бергани боис Грузия, Молдава ва Тожикистонга рейтингларда сўнгги ўринлар беришган.

Умуман олганда “BERI” хизмати бу борада катта обрў қозонган ташкилотдир. Бу хизмат кўрсатувчи ташкилот, капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитини таҳлил қилиб инвестицияларнинг тавакалчилик даражасини аниқлаб беради. “BERI” хизмати матбуотлар орқали турлича индекслар билан инвесторларнинг хорижий мамлакатларга инвестиция қўйиши хавф-хатарлилик, риск даражасини аниқлаб беради. Ҳозирда бу хизмат кўрсатувчи ташкилот 55 дан ортиқ капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция муҳитини 15та кўрсаткични қамраб олувчи мезон (балл) билан аниқламоқда. Бунда қанчалик юқори баллга эга мамлакатлар шунчалик барқарор мамлакатлар ҳисобланади. Бу балл индексларини ҳисоблашда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллари таъсири ҳам ҳисобга олинади. Бу ташкилот фақатгина ҳозирги жорий даврнигина эмас, балки истиқболда кутилаётган ўзгаришларни ҳам баҳолайди.

Бу каби хизматлар фақатгина хусусий фирмалар томонидангина эмас, балки давлат ёки давлат-хусусий фирмалари томонидан ҳам бажарилади. Бу каби хизматларни ташкил этишда кўпроқ инвестицияга талаби бўлган мамлакатларнинг таклифи бўлиши зарур. Шунинг учун бизнингча бу тарздаги ташкилотларни Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиш хорижий инвесторлар учун ҳам, ички инвесторлар учун ҳам муҳим бўларди.

Ўзбекистон ҳудудида хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шароитлари бир қатор қонун ва қарорларда ўз аксини топди.

Республиканинг ташқи иқтисодий сиёсати жаҳон бозоридаги мавқеларини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини кучайтиришга, қулай инвестиция муҳитини вужудга келтиришга қаратилгандир. Шунингдек, ташқи иқтисодий

сиёсатда устувор йўналиш сифатида хорижий сармояларни республика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳукукий, ижтимоий иқтисодий ҳамда бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналарни ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек сармояларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланиши муҳимлиги таъкидланган¹⁵.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонунига кўра чет эл инвестициялари давлат ҳукукий ҳимояси билан таъминланиб, уларнинг ҳукукий шароити бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шароитидан кам бўлмаслиги, шунингдек чет эллик инвесторлар инвестициясининг ҳажми, тури, йўналишини, бу инвестицияларни амалга оширишда юридик, жисмоний шахслар жалб этишни мустақил белгилаши ва бошқа шу каби ҳуқуқлари таъкидлангандир. Бу қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ ҳимоя қилинишига кафолат беради.

Энг асосийси, республика аҳолисининг хусусий мулкчиликка бўлган муносабати ўзгариб бормоқда, бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизда хусусий мулкка асосланган корхона ва фирмаларнинг эркин фаолиятига ижобий таъсир қилади. Агар республикада хорижий капитални қўйишнинг айрим шароитларини бошқа давлатлар шароити билан таққосласак қуйидаги хулосага эга бўламиз (Қаранг: 3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда айрим шароитлар кўпгина бошқа давлатлар шароити билан деярли ўхшаш. Масалан, солиқ ставкаси энг паст ставкандир. Ойлик маоши эса миллий валютамининг АҚШ валютасига нисбатан пастлиги, ҳозирча валютани конвертациялаш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли бошқа давлатлардаги бу кўрсаткичдан пастдир.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва айрим мамлакатлар иқтисодиётига хорижий капитални қўйиш шароитларининг қиёсий тавсифи

Давлатлар	Хорижий инвестиция иштирокида барпо этилган корхона устав фондида хорижий инвестиция иштирокининг чегараси	Солиқдан бутунлай ёки қисман озод қилиш муддати (йил)	Иш ҳафтасининг давомийлиги (соатда)
1	2	3	5
Ўзбекистон	30%дан кам бўлмаган	2-7	48
Россия	Чегараланмаган	2	47-49
Хитой	25%дан кам бўлмаган	2-5	4
Сингапур	Чегараланмаган	5-10	48
Жанубий Корея	50%дан кам бўлмаган	5	47-49
Малайзия	70%дан кам бўлмаган	2-5	50-60
Таиланд	49%дан кам бўлмаган	3-8	45-50
Индонезия	Чегараланмаган	2-6	47-51

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 97-б.

Ўзбекистан Республикасида инвестиция муҳити йилдан-йилга барқарорлашиб бораётган бўлсада, лекин ҳозирча республика иқтисодиётига йирик ҳажмдаги инвестициялар аста-секинлик билан кириб келмоқда. Бунга: Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги; телекоммуникация алоқаларининг суст ривожланганлиги; иқтисодиётда миллий валютанинг эркин алмашадиган валюта курсига нисбатан пастлиги; айрим қонунлар ва меъёрий ҳужжатлардаги камчиликлар мавжудлиги ва хусусан, фойдали қазилмалар бўйича махсус қонунларнинг қабул қилинмаганлиги; кредит тизимида, валютани конвертациялашда мавжуд камчиликлар ва қимматли қоғозлар бозорининг эндигина шаклланиб келаётганлиги; ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар фақатгина тадбиркорликнинг миллий тартиботига нисбатан жорий этилганлиги, унинг жаҳон амалиётига тўла маънода мувофиқлаштирилмаганлиги кабилар сабаб бўлмоқда, деб биламиз.

Демак, бугунги кунда республика иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига яқинлаштириш зарур. Бунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат олиб бориш лозим. Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш зарурдир. Бу зарурат куйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

- ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ёки умуман янгилашга оид бўлиб қолганлиги;
- саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;
- республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги;
- Ўзбекистоннинг табиий бойликларга бойлиги ва бу ерда кўплаб қайта ишловчи корхоналарни куриш имкониятининг мавжудлиги;
- аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги (меҳнат ресурслари) ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни меҳнат ресурсларининг манбаи бўлиш қишлоққа яқинлаштириш зарурлиги;
- республика экспортида хом ашё салмоғини камайитириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар чиқариш имкониятига эга бўлиш зарурлиги ва бошқалар.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларни қондириш имкониятларини ўрганиб чиқишга асосланади. Бунинг учун бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта куришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади.

2 боб. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этишнинг амалдаги ҳолати таҳлили

2.1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига тўғридан - тўғри инвестициялар улушининг таҳлили

Бугунги кунда глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида йирик фирма ва корхоналар фаолияти тўхталиб, ишсизлар сони тобора ортиб бораётган шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда Инвестиция дастури ҳамда техник модернизациялаш бўйича қатор истикболли лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб капитални четга чиқа-ришни асослаб берувчи янги илмий назариялар пайдо булди. Ушбу назариялар куйидаги йуналишларда намоён булади.

1) капитални четга чикдришнинг замонавий сабабларини асослаш. Ушбу турдаги тахдиллар микроиктисодий крнуниятлар асосида амалга оширилди;

2) жаҳон капитал окимларининг узаро богликдикларини умумлаштириш. Ушбу йуналиш жахрн бозорининг глобаллашув шароитидаги капитал окимининг ривожланиши конуниятларига асосланади.

XX асрнинг 60-йилларида компанияларнинг бундай фаолли-гини талкин килишда иккита назарий ёндашув кулланилган:

1) ТМКнинг бозорда бошка фирмалар олдида ракобат афзаллик-ларини таъминлаб берувчи саноатни ташкил этиш;

2) халқаро капитал окимлари йуналишларини асослаб бериш.

XX асрнинг 70-йилларида саноатни ташкил этиш назарияси доирасида олиб борилган тадққртлар америка ТМКи томонидан амалга оширилган тутридан-турри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) афзалликларини аниқдаш ва бахрлашга асосий эътибор қаратдилар. Менежмент техникаси, инновацияларга булган қобилият ва махрулотлар дифференцияси каби омиллар ТМКнинг ракрбат афзалликларига киритилди.

Ушбу назария билан бир вақтнинг узида компанияларнинг хориждаги фаоллигининг молиявий жихатларига кизиқиш уйгонди. Натижада ТТХИ окимини фирмаларнинг ташкилий хусусиятлари оркали тушунтиришга асосланган янги назарий йуналиш пайдо булди.

Ҳап инвестиция ҳақида борар экан, аввало ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини:

- жадал модернизация қилиш;
- техник ва технологик қайта жиҳозлаш;
- транспорт коммуникацияларини ривожлантириш;
- стратегик инветиция лойиҳалирини амалга ошириш кабилар назарда тутилади.


Дастлаб шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал

модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда шу асосда янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиздаги 2005-2010 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикасини кузатадиган бўлсак, унинг ўсиш суръати энг юқориси, яъни 2757,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. (2-расм)

2-расм.

**2005-2010 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида
тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикаси (млн. АҚШ долл.)**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 2010 йилда 2757,4 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.

2010 йилда иқтисодиётга жалб қилинадиган инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб келганлиги кузатилди унинг ЯИМ га нисбатан бўлган салмоғини эса 30,3 % гача оширилди.

Шуниси қувонарли ҳолки, 2009 йилдан ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоиздан кўпроғи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишда бевосита хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Тармоқлар ва ҳудудларда тузилмавий қайта қуриш вазифасини ҳал этишда бевосита хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурини амалга ошира бориб эришиш мумкин, чунки бундай бевосита инвестицияларнинг аксарият қисми фақат давлат кафолати остида кириб келаётганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу сабабли, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишда

қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий зоналар) хорижий инвесторлар учун реал амал қилиши учун имтиёзлар тизимини яратиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Қуйидаги жадвалда 2010 йилда иқтисодиётга қилинган инвестицияларни таҳлилини келтириб ўтамиз.

4-жадвал

**2010 йил давомида Республика иқтисодиётига жалб қилинган ХОРИЖИЙ
инвестиция ва кредитлар**

Жалб қилинган хорижий инвестициялар умумий миқдори:	3635,2
Давлат инвестиция дастури доирасида	3284,7
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	350,5
шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар	3107,9

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида
тайёрланган.**

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан икки йил аввал ташкил етилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларида ортиқ низом жамғармасига ега бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истиқболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга йетказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд

томонидан 550 миллион АҚШ долларида зиёд миқдорда кредитлар ажратилди¹⁶. Фикримизча, Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси ривожлангани сари унинг истиқболи кенгайиб боради, иқтисодий-иқтисодий модернизация қилишдаги ўрни ва аҳамияти эса ҳар томонлама ошади.

Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;

- давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;

- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятга эгаллигини ифодалайди.

Республикамызда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодий-иқтисодийнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

Юқоридаги услубий қоидалар асосида инвестицион муҳитни баҳолаш усулларининг афзалликлари ва камчиликларини кўриб чиқамиз. Биринчи ёндашув тарафдорлари инвестицион жозибадорликнинг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланилаётган активларнинг фойдалилик даражасини икки хил вариантда ҳисоблашни қабул қилади: товарлар ва хизматлар реализациясидан келган фойданинг фойдаланилаётган активларнинг умумий суммасига нисбати; баланс фойданинг фойдаланилаётган активларнинг умумий суммасига нисбати.

Ишлаб чиқаришга йўналтирилган капитал маблағлар самарадорлигини ошириш учун мамлакат миқёсида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

¹⁶ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 20-б.

- капитал маблағлар қайтими тез бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, саноат ишлаб чиқаришида энергия ва материал сиғимининг камайишига эришиш;

- саноат объектлари қурилишини молиялаштиришда хусусий капитал қатнашишини рағбатлантириш, кичик корхоналар шаклланиши ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

- индустриал корхоналар барпо этиш жараёнини тезлаштириш, иқтисодиётда тугалланмаган қурилиш объектлари сонини кескин камайитириш;

- хорижий инвестицияларнинг саноат корхоналарини модернизациялаш ва тиклашда қатнашишини жадаллаштириш, тўғридан-тўғри иқтисодиётга қўйилаётган молиявий ресурсларни жалб қилишнинг инвестиция муҳитини яратиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, у билан боғлиқ инфратузилма объектларини ривожлантириш, капитал ресурсларнинг МДХ ёхуд Марказий Осиё давлатлари орасида эркин ҳаракатини таъминлаш;

- саноат корхоналари фаолиятини баҳолаш, рентабеллик даражасини ҳисоблаш, иқтисодий кўрсаткичларни динамик таҳлил этиш ва умуман, республика ва хорижий мамлакатлардаги инвесторларни қизиқтирувчи ахборот ва маълумотларни тайёрлаш, миллий ишлаб чиқаришни ривожланишини мониторинг қилиш ва ҳ.к.

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида мамлакат ишлаб чиқаришининг ривожланишиш учун инвестиция маблағларининг ўзи етарли эмас, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда инновацион инвестициялардан фойдаланиш, иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолият юритишига имкон яратиш ва бошқа омиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан инқирозга чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топди.

2.2. Иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришда марказлашган инвестицияларнинг таҳлили

Миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд имкониятлардан (вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимида қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан жалб қилишга) самарали фойдаланишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”га қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин: чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари; давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар; чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар бошқа ҳар қандай ширкатларлар, ташкилотлар ёки уюшмалар; чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Бугунги кунда миллий иқтисодийётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд:

- улуш қўшиб қатнашиши орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш;
- 100% мол-мулк хорижий инвесторга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шўъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шарномалари тузиш;
- тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шакллардан бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30% хорижий инвесторга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ долларига тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади¹⁷. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасининг 150000 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги сифатсиз маҳсулотларининг олди-сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган. Ҳозирги вақда республикада жаҳондаги 90 мамлакатнинг инвестициялари қўшилган қарийб 3,5 мингдан ортиқ корхона ишлаб турибди. Шулардан 20%дан купроғи батамом (100%) чет эл сармояси эвазига ишламоқда.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими

¹⁷ Ваҳобов А. ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик /Муал.: А.Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурханов. – Т.: “Шарқ”, 2003. 277-б.

ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг таркибини кўрадиган бўлсак, унда чет инвестицияларнинг улуши 2006 йилда 19,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 28,8 фоизга етган (Қаранг: 5-жадвал).

5-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг таркиби, фоиз ҳисобида¹⁸

Молиялаштириш манбаалари	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Давлат бюджети	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3
Чет эл инвестициялари	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8
Бошқа манбаалар	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5

2006-2010 йилларда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг таркибида давлат бюджетининг улуши ўртача 7,4 фоизга камайганлигини кўриш мумкин.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлиги намоён этувчи яна бир жиҳат – давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси шуни кўрсатадики, агар 2006 йилда давлат бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг 36,2% республика бюджети, 63,8% маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2009 йилда бу нисбат тегишли равишда 35,5% ва 64,5% ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда (3-расм). Бу эса инвестиция жараён-ларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, асарда таъкидланишича, жаҳон инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.


Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини

¹⁸ ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 2006-2010 йй. маълумотлари

шакллантиришда бундан икки йил аввал ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларида ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда. Яқин истикболда ушбу Фонд активларини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил мобайнида ўнлаб йирик саноат ва инфратузилма иншоотларини молиялаштириш ва ҳамкорликда молиялаштириш учун Фонд томонидан 550 миллион АҚШ долларида зиёд миқдорда кредитлар ажратилди.

3-расм

Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси (млрд. сўм)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Таъкидлаш жоизки, 2009 йилда ҳам мамлакатимизда модернизациялаш ва муҳим тармоқларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда стратегик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити яратилди.

Юртбошимиз маърузасида таъкидланганидек, ўтган йил йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тарққиёт банкининг умумий қиймати 56 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредит ресурслари жалб этилди. Мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” янги темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

Ўтган йил мобайнида “Кореян Эйр” компанияси миллий авиакомпаниямиз ижрага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига

интеграциялаш имконини берди. Эндиликда Навоий вилояти эркин индустриал иқтисодий зона бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари бўйича 2009 йил мобайнида:

- 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди;
- Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан:
 - нефт-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та;
 - машинасозлик саноатида 9 та;
 - қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди.
- “Фарғонаазот” ва “Максам-Чирчиқ” корхоналарида аммиак агрегатларини реконструкция қилиш;
- Наманган шаҳрида енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқарадиган завод;
- Бухоро шаҳрида “ДЭУ текстиль” тўқимачилик комплекси қурилиши каби стратегик лойиҳалар ниҳоясига етказилди.
- “Газли” қўшимча компрессор станцияси ишга туширилди;
- “Қўнғирот” компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуритадиган иншоот барпо этилди;
- Мамлакатимиз ҳудудларида қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;
- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида қуйидаги қўшимча тадбирлар амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда

таъсисчилар шартномасида томонларнинг улушининг миқдори ва кўриниши, дастлабки фаолиятнинг қанчаси устав капитали ҳисобидан ёки кредит ҳисобидан амалга оширилиши, кредитга қим қафолат бериши ва устав капиталнинг кейинги даврда ўсиб бориш тартиблари аниқ белгиланиши зарур;

- эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш, махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва маконлар фаолиятини муофиқлаштиручи давлат органини ташкил этиш;

- табиий қазилмаларни қайта ишлаш, ўзлаштириш бўйича қонунлар ва қарорлар ишлаб чиқиш ва алоҳида бойликларнинг турлари бўйича махсус қонун қабул қилиш;

- тендер қўмиталарини ташкил этиш ва ҳ.к.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш, биринчи навбатда, барча хўжалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунга, фикримизча, иқтисодиётдаги хўжалик юритувчи субъектлардан, хорижий инвесторлардан ундириладиган солиқларнинг тартибга солувчилик амал қилишини кучайтириш орқали таъминлаш мумкин. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Фикримизча, хорижий инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан озод қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир аниқ шароитда имтиёзли солиққа тортиш режимини ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш фойдалидир.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал илмларни эгаллаш, солиқларнинг тартибловчи ролини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим. Бунда асосий вазифа - чет эллик ҳамкорларга капитал қўйишда энг самарали йўналишларни таклиф этишдан, ўзаро манфаатлар соҳаларини белгилашдан, инвесторларга қафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг барча шаклларини фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қўйидагилардан иборат: мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш; гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш; чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтириш; инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида халқаро молия институтларининг республикамизда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш; чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши


хорижий инвестицияларнинг иқтисодийтимизга янада кенгроқ жалб этилишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

2.3. Ўзбекистон иқтисодийтига хорижий инвестициялар жалб этишнинг амалдаги ҳолати таҳлили

Миллий иқтисодийтнинг жаҳон ҳўжалигига кириб бориш жараёни “очиқ” экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш ўсишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш қобилияти билан белгиланади. Бу, шубҳасиз бир бутун ҳолда, бозор муносабатларини қайта қуришни амалга ошириш натижалари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокида саноат корхоналарини қуриш, қайта ишловчи завод, фабрикаларни ташкил этиш, амалдаги корхоналарни таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш ва иқтисодийтнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кўплаб хорижий инвесторларга таклиф қилинмоқда. Масалан, халқаро валюта фонди, жаҳон банки, халқаро молия корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган бир қанча лойиҳалар, иқтисодийтимизнинг энг манфаатли соҳаларидаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича мақсадли дастурлардан бўлиб ҳисобланади.

4-расм

2010 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар географияси



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийт вазирлиги маълумотлари.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан республика иқтисодиёти келажagini таъминловчи соҳаларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастурлари ва инвестицион лойиҳаларнинг рўйхатлари ишлаб чиқилиб, хорижий инвесторларга таклиф этилмоқда.

Миллий иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар асосан табиий бойликларнинг янги конларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳасига, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, яъни пахтани қайта ишлаш соҳасига, нефт-газ саноатини ривожлантиришга, туризм ва маиший соҳага, машинасозликни ривожлантиришга кўплаб жалб қилинмоқда, хорижий инвестициялар асосан ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга, яъни ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи завод, фабрикаларни қуришга, амалдаги фаолият юритаётган маҳсулот ишлаб чиқаруви корхона ва ташкилотларни таъмирлашга, техник қайта жиҳозлашга, кенгайтиришга йўналтирилмоқда, хорижий инвестицияларнинг юқорида қайд қилинган соҳаларга жалб қилиниши, албатта аграр республикаимизни индустриал мамлакатга айлантириш, мавжуд табиий бойликлардан унумли фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш, ўз хом ашёларимизни қайта ишлаб, хом ашё ўрнига тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш, машинасозлик саноатини ривожлантириб, бу соҳа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш каби мақсадларга эришиш имкониятини беради.

Шу билан бирга алоҳида эътироф этиш керакки, инвестиция дастурларидаги лойиҳалар рўйхатида халқ таълими ва кадрларни тайёрлаш соҳаларини ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш сустр эди. Биз биламизки, ҳар қандай мақсадга эришиш юқори малакали ишчи кучига ва интеллектуал салоҳиятиимизнинг юқори даражада бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, республика ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган инвестиция дастурлари ва лойиҳаларига таълимни, фан ва техника бўйича илмий изланишларни ривожлантириш ва умуман интеллектуал бойликларни юқори суръатда кўпайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни ҳам киритиш, бу лойиҳаларни амалга оширишда ҳам хорижий инвестициялардан фойдаланиш зарурдир, чунки бу соҳаларга ҳам илғор машина ва ускуналарни, ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ва бошқа тажрибаларни қўллаш замон талабидир. Тўғри, эҳтимол бу соҳаларга инвестиция қўйиш, хорижий инвесторлар учун мўлжалланган фойдани бермаслиги мумкин. Бунинг учун ҳукумат томонидан бу соҳага инвестиция қўйишни рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Бу йўналишда 2009 йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Замонавий технологиялар базасида “Тошкент-Бухоро” магистрал алоқа линияси кенгайтирилди. Бу линия каналларининг ўтказувчанлик қобилиятини 60 баробарга ошириш ва шу тариқа видеотелефон, Интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган.

5-расм

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш суръати

Йиллар	Хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари.

Жадвалдан кўриниб тарбидики, 2010 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,6 миллиардАҚШ долларида кўпрокни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан қарийб 800 миллионАҚШ долларига кўп эканини кузатиш мумкин.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларида ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион АҚШ долларида ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Охирги йилларда, айниқса, инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган йирик инвестицияон лойиҳаларни қуйидагиларда яққол кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтитириш ва инвестицион фаол ўсишни таъминлаш доирасида:

- Сургил кони базасида полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарадиган Устюрт газ кимё мажмуаси;
- Поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарадиган янги комплекси;
- Муборак газни қайта ишлаш заводида пропан-бутан аралашмаси ишлаб чиқаришни;
- Шўртаннефтваз мажмуасида сунъий суёқ ёқилғи ишлаб чиқаришни;
- Деҳқонобод калий ўғитлари заводини;
- Автомобил агрегатларини ишлаб чиқаришни ва бошқа бир қатор муҳим стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Қуйидаги жадвалда 2011 йилда иқтисодийётга режалаштирилган инвестицияларни таҳлилини келтириб ўтамиз.

6-жадвал

2011 йилда республика иқтисодийётга режалаштирилган хорижий инвестиция ва кредитлар

2011 йилга истикбол:	3723,8
шу жумладан, Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0
истикболда тўғридан-тўғри инвестициялар	2734,89

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Хорижий инвестициялар иштироки билан амалга ошириладиган лойиҳаларининг самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш айрим ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар бизнингча қуйидагилардан иборат:

1. Лойиҳанинг бюджет самарадорлигини аниқлашда даромадлар таркибида республика ҳукуматида бериладиган хорижий қарзлар ва кредитларни, харажатлар таркибида эса шу кредит ва қарзларни улардан фойдаланганлик учун фоизларни қайтариш ҳисобга олинади;

2. Лойиҳаларнинг турли вариантларини таққослашда ва лойиҳани амалга оширишда хорижий инвесторларнинг иштирок этиш шакли ва ҳажмини асослаш халқ хўжалик самарадорлигининг энг юқори мезонлари бўйича ҳисобланади;

3. Лойиҳанинг молиявий самарадорлик кўрсаткичлари алоҳида ўзбек ва хорижий иштирокчилар учун ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳолда хорижий иштирокчиларнинг харажатлари таркибида, уларнинг хорижга олиб кетадиган фойдасидан тўлайдиган солиқ суммаси ҳам кўрсатилади. Шунингдек, хорижий инвесторлар учун аниқ пул оқими ҳаракатининг ҳисоб-китоби шу давлат валютасида ҳам ҳисобланади;

4 Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлашда хорижий иштирокчиларнинг харажатлари ҳисобга олинмасида, лекин бу иштирокчилар томонидан берилган кредит ва қарзлар, шунингдек, уларнинг тўлайдиган солиқ ва бож тўловлари лойиҳа натижасининг таркибига киритилади:

Бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ёки жаҳон бозори ҳолатига таъсир этувчи йирик доирадаги хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳаларнинг жаҳон ҳўжалик миқёсида самарали эканлигига қониқиш ҳосил қилиш учун, бизнинг фикримизча, лойиҳанинг интеграл жаҳон ҳўжалик иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳисоб-китоб барча турдаги маҳсулотларга, товарларга ва хизматларга жаҳон нархидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳолда лойиҳанинг натижалари таркибига қуйидагилар киритилади:

- ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари (ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан олинган тушум, иштирокчиларнинг истеъмол қилинган қисми чегирилган ҳолда);

- барча лойиҳа иштирокчиларининг ҳамкорликдаги ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда лойиҳанинг аҳоли соғлигига, ҳудуднинг ижтимоий ва экологик ҳолатига таъсирини ҳисоблаган ижтимоий ва экологик натижалари;

- эгри молиявий натижалари (лойиҳани амалга ошириш натижасида ўзбек ва хорижий корхона ва фуқаролар даромадларининг ўзгариши, ер, бино ва бошқа мол-мулкларнинг, шунингдек табиий ресурсларга бўлган бозор нархининг ўзгариши, турлича табиий офатлар ва фавқулоддаги ҳолатлар натижасида йўқотишлар). Бундай ҳолда лойиҳанинг харажатлар таркибига бир хилдаги иштирокчиларни бирининг харажатини бошқа иштирокчилар натижалари таркибида қайтадан ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобланган барча иштирокчиларнинг жорий ва бир вақтдаги харажатлари киритилади.

Миллий иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилишда, бизнинг фикримизча, энг аввало: ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат олиб бориш; тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш; маблағларни рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарадиган, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кўтара оладиган муҳим устувор тармоқларга йўналтириш; республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан иқтисодий рағбатлантириш таъминлашини қўллаш; ва ниҳоят, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

3 боб. Иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида иқтисодийга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш масалалари

Маълумки, хорижий инвестицияларни муваффақиятли жалб қилиш уч гуруҳ омилларига ҳам боғлиқ бўлади. Биринчидан, инвестиция қувватини мавжудлиги. Уни табиий, меҳнат заҳиралари, шунингдек ишлаб чиқариш, истеъмол, молиявий, инновация, институционал ва инфратузилмавий қувватлар ташкил қилади. Иккинчидан, мавжуд инвестиция шароитлари муҳим аҳамиятга эгадир. Буларга: умумиқтисодий, бозор меъёрий-ҳуқуқий, ахборот билан таъминлаш, экологик, ижтимоий, этнографик ва ижтимоий маданий шароитлар киради. Учинчидан, инвестиция таваккалчилиги (риски) омилларидир. Улар хорижий инвесторларнинг инвестиция қуввати ва инвестиция шароитларининг қулай афзалликларидан фойдаланиш бўйича вазифаларига қарама-қарши туради.

Барча гуруҳлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Мисол учун етарли даражада жалб қилувчи бўлмаган инвестиция шароитлари, ҳатто юқори қувватли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ҳам пасайтириб юборади.

Инвестиция таваккалчилиги (риски) - ўтиш иқтисодида бўлган, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича шароитларни шакллантираётган давлатлар учун рискнинг муҳим турларидан биридир. Шунинг учун ҳам таваккалчиликни, унинг манбаларини ва унинг олдини олиш усуллари аниқлаш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳаётий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Макроиқтисодий омиллар иқтисоднинг умумий ҳолатини, унинг ўсиш суръатларини белгилайди ва мамлакат иқтисоди циклининг қайси фазасидалигини аниқлаш ҳамда яқин йиллар ичидан бўладиган ўзгаришларни башорат қилиш имконини беради. Омилларнинг бу гуруҳ қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади: Инфляция даражаси, ишсизлик, аҳоли жон бошига ўртача даромад, миллий валютанинг барқарорлиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг ҳолати, қайта молиялаш ставкаси, даромадларнинг ҳар хил турларига солиқ солиш даражаси. Бу ерда иқтисоднинг ривожланишида тизимларнинг пропорцияси ҳам муҳим аҳамият касб этади, яъни; ялпи ички маҳсулотда саноат, кишлок хўжалиги ва иқтисодий бошқа тармоқларининг нисбий улуши, шунингдек, бу кўрсаткичлар ўзгаришларининг динамикаси.

Миллий иқтисодийга жалб қилинганлигига таъсир кўрсатувчи инфратузилмасининг ривожланиш даражаси ва йўналишларини, яъни унинг унсурларини ва шу бозорда қабул қилинган операцияларни амалга ошириш жараёнида улар ўртасидаги муносабат тизимини ўз ичига олади.

Ўзбекистондаги мавжуд инвестиция муҳити, фикримизча, инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида чет эл инвестициялари кириб келишига қулайликлар яратиш керак. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларга мувофиқлиги, иқтисодийнинг бошқаларга қараганда қулайлиги нуктаи назардан баҳолайдилар.

Мамлакатга хос риск даражаси (қарзлар масаласи, импорт ва экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги ва бошқалар), маҳаллий шароитнинг қўшни мамлакатга

нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради. Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари (импорт хом ашёга божхона божларини бекор қилиш, корпоратив солиқни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, солиқлар бўйича имтиёзлар), экспорт саноати районлари, эркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда республикада муайян даражада чет эл капиталини қабул қилиш тизими шаклланган. Бунда чет эл капиталига нисбатан давлат сиёсатини ифода этадиган ҳуқуқий нормалар, қоидалар ва муассасалар мажмуи назарда тутилади. Чет эл капиталини қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг таркибий қисмига киради ва айни пайтда мустақил ҳисобланади, чунки бу тизимни ўзгартириш хусусиятига эга. Бу тизимнинг элементлари қуйидагилардан иборат; чет эл капитални учун солиқ ва божхона имтиёзлари бериш; фойдани бошқа иқтисодиётга ўтказишнинг қулай режими; миллийлаштиришдан кафолатлар; рўйхатдан ўтказишнинг оддий тартиб қоидалари; концессиялар бериш; эркин иқтисодий зоналар барпо этиш; акциядорлик капиталда ҳиссани чеклаш; мажбурий экспорт квотасини жорий қилиш; нархларни назорат қилиш; ташқи савдо операцияларини лицензиялаш ва бошқалар.

Фикримизча, республикада яратилган қулай инвестиция муҳитини ривожлантириш учун рағбатлантириш омилларини кучайтириш талаб этилади. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришга инвестицияларни рағбатлантириш учун тадбиркорлик тузилмаларига жадаллашган амортизация усуллари кўллашда тўла эркинлик бериш керак. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш учун, бизнинг назариямизда, инвестиция бўйича солиқ кредитларининг турли шакллари кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиши зарур.

Қулай инвестиция муҳитини ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш бекиёс аҳамиятга эга. Солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини тўрт жиҳатдан олиб қараш мумкин, улар: солиқ тўлашдан вақтинчалик озод қилиш; солиқ ставкасини камайитириш; солиққа тортиладиган базани торайтириш; солиқ мажбуриятини бажаришни кечиктириш (солиқ кредити). Қайд қилинган рағбатлар у ёки бу даражада чет эл инвестициялари иштирокидаги кенг доирадаги корхоналар учун татбиқ этилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва бир-бирига кириб бориш, чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётга жалб қилиш ҳаётий заруратга айланиб бораётган ҳозирги шароитларда, инвестиция капиталини мамлакатимизга экспорт қиладиган мамлакатларнинг амалдаги қонунларини, инвестиция муҳитини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш талаб этилади.

Хуллас, миллий инвестиция муҳити бевосита чет эл инвестициялари оқими учун қулай ва мақбул бўлиши керак. Бунинг учун жами инвестиция рисклари, хавфсизлик, даромадлилик, чет эл инвестициялари ликвидлиги, инвестициялаш мақсадлари инобатга олиниши зарур ва булар асосида баҳоланиши шарт. Бу борада қулай маҳаллий шароитлар, инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари, концессиялар ташкил этиш, экспорт саноати районлари, божхона божлари амал қилмайдиган ва эркин савдо зоналарини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарининг

даромадларини солиққа тортишда бир қатор имтиёзлар берилган бўлсада, бизнинг фикримизча, биринчидан, бу солиқ имтиёзларининг муддати, ҳажми, қўлланиш шарт-шароити аниқ кўрсатилган бўлиши, иккинчидан, бу енгилликлар хорижий инвесторларга яхши таниш ва тушунарли бўлиб камида беш-ўн йилга белгиланиши, учинчидан, солиқ имтиёзлари ўзгармас ва қатъий бўлиши лозим. Шундагина бу имтиёзлар ўз самарасини бериши мумкин.

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш масаласи, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга боғлиқ бўлади. Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий вазифаси қаторида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш белгиланди. Албатта, бу ҳол хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадига эга.

Маълумки, дунё мамлакатлари орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, бошқача қилиб айтганда, фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига ўз сармоясини киритишга қизиқиши ортмоқда. Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Бу, шубҳасиз, иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кўпайтиради.

Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб борапти. Чунки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан сармоядорларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши ҳисобга олинган ва бунинг учун бизда етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, республика минтақаларидаги бой минерал хом ашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз, хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати - бу унинг хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилганлигидир. Маълумки, чет эл

ишбилармон доиралари, йирик мулк эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши, қолаверса, аввалдан Ўзбекистонда ўз мулки ва сармоясига эга бўлган кўплаб чет эл тадбиркорлари ўз бизнесларини янада кенгайтириш ниятида эканликлари ҳеч кимга сир эмас. Шуларни ҳисобга олганда, Фармонда айнан хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган шартлар бу узоқ стратегик аҳамиятга молик тўхтамдир.

Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг инвестиция жозибadorлигини ошириш, хорижий инвесторларни жалб этиш учун қўшимча рағбатлантиришларни ташкил қилиш мақсадида назорат акция пакетларини сотиб олмасда, корхоналарга салмоқли ҳажмларда инвестициялар киритаётган инвесторларга профессионал бошқарувчи компанияларга бериладиган давлат акциялар улушини бошқариш ҳуқуқини танловларсиз бериш кўзда тутилган. Фармоннинг яна бир асосий хусусияти – бу инвестиция киритиш шартлари ва жойларининг аниқ белгилаб қўйилганлигидир. Ортиқча ишчи кучи бўлмаган минтақалар - Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида янги корхоналарни жойлаштириш кўзда тутилган. Бундай ҳолат хусусий саромяга эга бўлган чет эл тадбиркорлар фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадига эга.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этишга манфаатдор ҳар қандай давлат ўзининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириб боради. Бу сиёсат хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос йўналишини, шунингдек уларни жалб этишни рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Иқтисодий адабиётларда ва жаҳон тажрибасида хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришда турлича тартиб ва усулларнинг бўлиши қайд этилган. Масалан: миллий тартиб; адолатли ва тенг ҳуқуқлилиқ тартиби; қулай муҳит барпо этиш тартиби; транспарент (шаффофлик) тартиби ва бошқалар. Шу боис жаҳон амалиётида қўлланилаётган бу каби тартиб ва усулларни қиёсий таҳлил этиш бизнингча мақсадга мувофиқдир.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалиётда синалган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини баҳолашнинг умумлаштирувчи мезонлари ва ҳуқуқий тартибларининг турлича вариантларидан шаклланган объектив қонунлар асосида иқтисодиётни ривожлантириш тажрибаси тўпланган.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик хориж капитали ва инвестицияни махсус қонунларсиз ҳам етарлича ҳимоялаш имкониятини беради. Бу ерда хорижий инвестициялар ҳам миллий ички инвестициялар каби умумий қонунлар асосида мувофиқлаштирилади. Бу мамлакатлардаги аниқ ишлаб чиқилган қонуний база чет эл инвесторларининг тўлақонли фаолиятини, яъни янги компанияларни ташкил этишда эркин фаолиятни (рўйхатдан ўтказиш жараёни, мулк ҳуқуқи кафолати), фойда олиш (солиқ сиёсатидаги енгиллик ва имтиёзлар), низоларни тартибга солиш (меҳнат қонунларидаги шаффофлик, монополияга қарши аниқ тадбирлар) кабиларни кафолатлайди.

Ғарб мамлакатларида ҳукумат капитал қўйилмаларни фаоллаштириш стратегиясида кўпроқ хорижий инвестицияларни мувофиқлаштиришнинг эгри усулидан (солиқ, амортизация, молия-кредит сиёсати) фойдаланишни афзал қўришади. Сўнгги икки ўн йилликда ғарбда инвестиция қарорларини қабул қилишда ва амалга оширишда маҳаллий ҳудудларнинг жавобгарлиги ва роли ошиб бормоқда. Қатор мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия) маҳаллий органлар хорижий инвестицияларни ва инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштиришда етарлича мустақилликка эгадир. Бу ерда инвестиция бозорини мувофиқлаштиришнинг асосий воситаси сифатида даромад солиғи (фойда солиғи) қўлланилади. Бу солиқ ставкасининг ўзгариши фирма ва компанияларнинг инвестиция фаолиятига бевосита таъсир этади.

Умуман сўнгги 20 йил мобайнида ривожланган мамлакатларда инвестиция фаолияти кенг компьютерлаштириш, ресурсларни тежаш, янги замонавий технология, шунингдек маҳаллий ҳокимиятни роли ва жавобгарлигини ошириш асосидаги янги бошқарув тизими асосидаги иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришга йўналтирилган. Маҳаллий ҳокимиятларга инвестиция дастурларини бошқаришда, экологик сиёсатни юргизишда ва ҳудудий режалаштиришда асосий роль белгиланган. Жаҳон тажрибаси шундан гувоҳ берадики, инвестиция дастури ва лойиҳаларининг муваффақиятли амалга ошиши унинг иштирокчилари ўртасида оптимал пропорцияни таъминлашга боғлиқдир.

Давлат ҳам бу жараёнда муҳим ролни ўйнайди, унинг функциясига асосан қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳукукий мувофиқлаштиришни таъминлаш, муниципал ташкилотлар билан шартномавий муносабатларни расмийлаштириш; моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш учун шароит яратиш, солиқ енгилликларини ва бошқа молиявий имтиёزلарни белгилаш; лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ва унинг нохуш оқибатлари (экология бузилиши, ҳудудий ер участкасининг бузилиши ва бошқалар) учун маҳаллий органларнинг жавобгарлигини аниқлаш; лойиҳани амалга ошириш учун аҳолини, ижтимоий ташкилотларни жалб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали лойиҳани ҳаётга татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлигини кенг тарғиб этиш.

АҚШ, Бразилия, Хитой, Мексика, Ҳиндистон каби йирик мамлакатларда маҳаллий органларнинг зиммасига жуда улкан вазифалар юклатилган. Айниқса, АҚШ ва Германияда алоҳида ҳудуд ва штатлар юқори даражадаги мустақилликка ва йирик миқдордаги молиявий ресурсларга эга.

Ривожланган мамлакатларда ҳудудий инвестиция сиёсатини олиб бориш ўта муҳим масалалардан саналади. Давлат доимий равишда ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий имконияти, ривожланиш даражасини эътиборга олган ҳолда инвестиция сиёсатини олиб боради. Америка Қўшма Штатларида федерал даражада махсус хорижий инвестицияларни рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилмаган. Хорижий инвестициялар учун тавсия этиладиган барча имтиёз ва енгилликлар штатлар даражасида ишлаб чиқилган. Бу эса ўз навбатида хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича штатлар ўртасида эркин рақобатни вужудга келтиради. Ҳар бир 50 штат миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ўзининг махсус ишлаб чиққан дастурига эга.

Ҳар бир штат аниқ мақсадга қаратилган хорижий инвестицияларни рағбатлантириш бўйича бир неча хил дастурларни ишлаб чиқади. Улар қуйидаги мақсадларда бўлиши мумкин: иш жойларини ташкил этиш; штатни ва алоҳида штат ҳудудларининг иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш; замонавий илғор технологияни жорий этиш ва фан техника тараққиёти ютуқларига эришиш ва ҳ.к.

АҚШда штатлар миқёсида хорижий инвесторлар учун бериладиган имтиёзлар - бу солиқ имтиёзлари, молиявий ёрдам, инфратузилмани ривожлантиришда ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш, ижара ҳақи ва электр тўловларини камайтириш, паст фойзаларда кредит шаклида бевосита молиявий ресурслар ажратиш кабилардан иборат.

Ҳар бир штатнинг мустақил инвестиция сиёсатини олиб бориши, эркин рақобатнинг вужудга келишига, шу ҳудудда ишлаб чиқаришнинг, тадбиркорликнинг ривожланишига замин яратади.

Сўнгги йилларда қатор мамлакатларда ҳудудни иқтисодий ривожлантириш корпорацияларини ташкил этиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. Бу корпорациялар мазкур ҳудудда жойлашган фирмаларнинг иштирокида махсус фондларни шакллантиради. Бу фонд маблағлари ҳудудда инфратузилмани ривожлантиришга, янги қурилишларга йўналтирилади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, чет эл инвесторларига турли енгиллик ва имтиёзларни жорий этиш бўйича Хитой давлати тажрибаси ҳам аҳамиятлидир. Хитой ҳукумати инвестициялар оқимини ҳудудлар даражасида, маҳаллий ҳокимиятга катта ваколат берган ҳолда муваффақиятли мувофиқлаштириб келмоқда.

Марказий органлар умумий инвестиция сиёсати доирасида қайси соҳага инвестицияларни йўналтириш зарурлигини аниқлаб беради. Маҳаллий органлар эса бир вақтда инвестицияларни рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқади. Чет эл инвестицияларини жалб этиш учун “солиқ каникули” ва енгилликлари, импорт таърифлари бўйича енгилликлари каби турлича рағбатлантириш усуллари ишлаб чиқилган. Айниқса кўпгина эркин иқтисодий зоналарда ташкил этилган корхоналарга нисбатан бундай енгиллик ва имтиёзлар кўпроқ ишлатилади.

Ҳозирда Хитой ҳукумати мамлакатнинг ички районларига кўплаб, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун, уларга узок муддатга солиқ тўлашдан озод этиш, фойдасини ҳар қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиш каби шарт-шароитларни яратмоқдалар. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун чет эл капиталини жалб қилишни рағбатлантириш дастурларини марказий органларнинг рухсатсиз ҳаётга татбиқ этишлари мумкин.

Хитой давлатининг инвестициялар бўйича қонунлари Япония, Жанубий Корея, Тайван, Сингапур каби давлатларининг қонунларига кўп жиҳатдан ўхшаш ҳолда ишлаб чиқилган. Шунинг билан биргаликда таъкидлаш лозимки, турлича давлатларнинг қонунларида чет эл инвесторлари фаолиятига чекланмалар ҳам белгиланган. Деярли барча давлатларда чет эл капитални киритилиши мумкин бўлмаган тармоқлар мавжуддир. Қатор давлатларда чет эл инвестициялари учун айрим тармоқлар тўлиқ ёпиқдир.

Хорижий инвесторларнинг фаолияти бўйича чекловларни мувофиқлаштиришда маҳаллий органларнинг иштироки ҳам салмоқлидир. Қатор давлатларда маҳаллий ҳудуддаги иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, хорижий инвесторларнинг фаолиятида турлича чекловларни белгилайди. Масалан АҚШда айрим штатларда фойдали қазилмаларга чет эл капиталини жалб этиш ман этилган бўлса, айрим штатларда ер участкасини сотиб олишда чекловлар белгиланган. Бироқ, Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, кўпгина давлатларда ҳудудий инвестиция сиёсатидаги молиявий-иқтисодий имтиёзларнинг ва енгилликларнинг берилиши ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишларига замин яратмоқдалар.

Республикамизда ҳам вилоятларнинг, туманларнинг инвестицион фаолиятдаги фаоллигини ва мустақиллигини ошириш ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб этишда бир муҳим мезон бўлиши мумкин.

Инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар иштирокида инвестициялашни ташкил этиш қуйидаги йўналишда бўлгани мақсадга мувофиқдир:

- хорижий инвесторнинг лойиҳани реализация қилишдаги масъулиятини кучайтириш, уларнинг лойиҳани бошидан охиригача миллий инвесторларнинг улушидан кам бўлмаган миқдорда капитал билан самарали иштирок этишини таъминлаш ва бундай масъулият ва мажбуриятлар меъёрий ҳужжатларда, жумладан шартномада қатъий қилиб белгиланиши ва амал қилиши керак;

- Ўзбекистан шароитида илғор ва замонавий ускуна ва технология эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда хорижий инвесторларни уз технологияси ва ускуналарни ўзлаштириш тажрибаларини миллий кадрларга ургатиш зиммасини юклаш ва уларнинг бундай мажбуриятларни бажаришга мафаатдорлигини ошириш зарур;

- инвесторлар манфаатларининг бир бирига қарши келмаслиги, яъни хорижий инвесторларнинг мақсади юқори даражада фойда олиш, ўзбек инвесторлари эса фойда олиш билан бирга илғор технология ва иш тажрибасига эга бўлиш эканлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани реализация қилмасданок шартномада томонларнинг улуши қандай валютада, қандай ўлчов бирлигида баҳоланиши, фойдани тақсимлаш тартиби аниқ ва қатъий белгиланиши мақсадга мувофиқдир;

Хорижий инвестицияли қўшма корхоналар иқтисодиётини ўрганишдаги хориж тажрибалари қуйидаги ҳолатларга бефарқ бўлмасликни талаб этади: хорижий инвестициялардан олинган даромаднинг катта қисми қайта инвестицияланмай, корхоналарнинг хорижий ҳамкор-эгалари орасида тақсимланишига; хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишида асосан капитал тез айланадиган соҳаларга киритишга мойиллигига; хорижий инвесторлар ресурсларни бозор инфратузилмаси яхши ривожланган, аҳолиси тўловга қодир бўлган марказлар ҳамда хом ашё минтақаларига жойлашга интилади.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш мураккаблашган шароитда, жамғармаларни тўплашнинг самарали механизмларидан воз кечмаган ҳолда асосий эътиборни давлатнинг инвестиция ролини кучайтириш асосида ички инвестицияларни фаоллаштириш чоралари тизимини ишлаб чиқишга қаратилиши зарур. Бу ҳолда жамғармаларни инвестицияларга жойлаш каби шартни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Иқтисодий субъектларнинг ўз жамғармаларини

инвестицияларга жойлашга мойиллигини қўйилаётган маблағларни қайтариб ололмаслик хавфи ва инвестициялаш оқибатида олинадиган даромад даражаси билан белгиланади.

Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган бундай сабабларни бартараф этиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим: тез-тез ўзгариб турадиган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, солиқ тизими; инвестиция ва кредитларга оид таваккалчиликнинг юқори даражадалиги; инвестицияларни муҳофаза қилиш, маҳсулотларни ажратиш механизмининг барқарорлик даражаси; банк тизимидаги айрим нуқсонларнинг мавжудлиги (ички бозорларда пул ресурсларининг танқислиги, улар тузилмаси муддатининг қисқалиги, тўлов ва ҳисоб-китобларнинг йўлга қўйилмаганлиги, банк ходимларининг инвестиция ва кредитларга оид таваккалчилигини баҳолаш тажрибасининг етишмаслиги кабилар.); инфратузилма даражасининг пастлиги (аудит, сугурта, консалтинг, баҳолаш, ҳуқуқий мадад, телекоммуникациялар, транспорт ва меҳмонхона хизмати); фонд бозорининг сустривожланганлиги, депозит хизматининг номукамаллиги, бозорга тегишли маълумотларнинг етишмаслиги, фонд қимматли буюмларининг паст ликвидлилиги; корхоналарда менежментнинг йўлга қўйилмаганлиги; эришилган битимларнинг бажармасликка йўл қўйилиши, инвестиция лойиҳаларини келишиш амалиётининг мураккаблиги, ҳисобга олиш тизимининг бухгалтерия ва молия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларининг халқаро тизимига мувофиқ эмаслиги ва ҳ.к.

Айни вақтда шуни тан олиш керакки, республикамизда иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмаяпти. Аввалои бор улар Ўзбекистондаги сармоя ётқизиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолатлар бўйича зарур, керакли информация ва маълумотларга эга бўла олмаяпти. Шу маънода Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги - “Ўзинфоинвест”дан умидимиз катта. Мазкур агентлик хорижий ишбилармон доираларини республикамиздаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот билан таъминлаб қолмасдан, уларга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам ҳар томонлама кўмаклашади.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса

Иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш юзасидан зарур илмий хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенг кўламда жалб қилиш зарурати ортиб борди. Бу зарурат қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

- иқтисодиётдаги мавжуд асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги;
- республика миллий даромадида жамғариш билан истъеъмол ўртасидаги нисбатнинг истъеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги ;
- Ўзбекистоннинг хом-ашё ва табиий бойликларга бойлиги, кўплаб қайта ишловчи саноатлар корхоналарни қуриб ишга тушуриш имконияти мавжудлиги;
- республика экспорт салоҳиятининг нисбатан пастлиги, экспорт таркибида хом-ашёнинг асосий салмоқни ташкил этиши, келгусида илғор замонавий технологияни жалб қилиш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқиб, экспорт ҳажмини ва таркибини ўзгартириш зарурати кабилар.

2. Хорижий инвестицияларнинг кириб келиши кўп жиҳатдан инвестицияларни сафарбар этишдан олинадиган фойда меъёрига ва банкга қўйилган мақсадли жамғармалар бўйича бериладиган фоиз ставкаларига боғлиқ бўлиб, бу омилнинг юқори даражада бўлиши чет эл капиталининг оқимини таъминлайди.

3. Таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, йирик инвесторлар томонидан инвестициялар жуда секинлик билан қўйилмоқда, буларнинг сабаблари: телекоммуникация алоқаларининг ривожланмаганлиги; миллий пул бирлигининг хорижий валютага нисбатан курсининг ўзгарувчанлиги ва инфляция даражасининг мавжудлиги; қимматли қоғозлар бозорида иккиламчи бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги, кредит тизимида, валютани конвертациялашда ва солиқ тизимининг такомиллашиб келаётганлиги кабилардир; Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларида тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги; йирик ҳажмдаги капитални турли хавф-хатарлардан (рисклардан) кафолат берувчи инвестиция банкларининг йўқлиги.

4. Ўзбекистонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: сўмнинг қадрини кўтариш ва бунинг асосида банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш; ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш; маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш ва хорижий инвесторларга нисбатан ижтимоий психологияни ва фикрлашни ривожлантириш; Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг акциясини нуфузини ва унинг ликвидлилигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш.

5. Чет эллар тажрибасидан ва республикадаги мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, республика ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган махсус давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

6. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни барпо этиш жараёни

бугунги кунга келиб бир оз такомиллаштирилган бўлсада, лекин у тўлиқ талабга жавоб бермайди. Шунинг учун қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир: а) хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни барпо этиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш; б) таъсис ҳужжатларида таъсисчиларнинг улушлари, фойдани тақсимлаш тартиби, улушларни ўтказиш муддатлари, кредит олишда кафолатчи шахснинг ким бўлиши каби муаммоларнинг аниқ баён этилишини назорат қилиниши.

7. Чет эл шериклари томонидан ташкил этилган корхоналар ҳиссаларни ўз вақтида қўйиш мажбуриятларини бажаришда камчиликлар мавжуд. Бу эса ҳиссадорлар ўртасида олинадиган фойдани тақсимлашда ҳам ноаниқликларга олиб келмоқда. Буларни бартараф этиш мақсадида: таъсис ҳужжатларида таъсисчилар ўртасида корхона очиш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар тақсимотини қатъий қилиб белгилаш; шартномада корхона устав фондига ўтказиладиган улушнинг ҳажмини ва тўлаш муддатини қаттиқ назорат қилишни таъминлаш лозимлиги таъкидланиши; таъсис ҳужжатларида корхона устав фондиди шаклланишида хорижий инвесторнинг улуши сифатида замонавий технология ва ускуна, “ноу-хоу” ҳуқуқларидан иборат мажбуриятларнинг кўрсатилиши; устав фондига фаолият давомида қўйиладиган ҳар бир улуш томонларнинг рухсати билан корхона кенгашининг бир овоздан тасдиқланган қарори асосида қўйилиши зарурлиги таъкидланиши.

8. Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган корхоналарни кредит билан таъминлашда чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, йирик молия-кредит тизимлари ёки давлат кафолати билан хориж кредитини ушбу корхоналар фаолиятини кредитлаштиришга жалб этиш ва бу корхоналар фаолиятини эркин алмашувчи валютада кредитлаштиришни кенг йўлга қўйиш; узоқ муддатли кредит билан таъминлашда эса халқаро лизинг муно-сабатларини йўлга қўйиш ва бу муносабатларини давлат томонидан рағбат-лантириш.

9. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши, турли мулкчилик шаклларининг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашда жаҳон амалиётида қўлланаётган услубиётлардан фойдаланиш жараёнида қуйидаги чора-тадбирларга эътибор бериш лозим:

- лойиҳали тизимда кенг маркетинг изланишларни олиб бориш, яъни ички ва ташқи бозорни асосий рақобатчиларни, нархларни, маҳсулотнинг келгусидаги истикболини ўрганиш;

- лойиҳанинг самарадорлигини баҳолашда унинг ижтимоий-экологик натижаларини инвестиция хавф-хатарлари ва инфляция даражасини ҳисобга олиш ва инфляциянинг таъсирини ҳисоблашда истикболли баҳолардан ва қатор харажат-лар ва нархлар динамикасидан фойдаланиш;

Иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар жалб этишни келгусида такомиллаштириш бугунги молиявий – иқтисодий инкирозидан сари чикиб бориб, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашдек яъни, молиявий баркарорлик томонга бориш учун катта имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998. 24 декабр.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни, 1998. 30 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг кафолатлари», тўғрисида»ги Қонуни, 1998. 30 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2005. 11 апрел.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2003. 6 май. 3240-сон.
7. Каримов И.А., “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”- Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2005, 525 бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007 й.
9. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгилаш ва иқтисодий ислохотимизнинг пировард мақсадидир. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2007 й.
10. Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2008 й.
11. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008. Т.16. – 365 б.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56. б.
13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // – Т.: Ўзбекистон. 2010. – 80 б.
14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – 48 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
16. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: «Молия», 2002.
17. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: «Молия», 2000. - 312 б.
18. Аброев У. Таъминотчи, бюджет ташкилоти ва ғазначилик: давлат харидорларини амалга ошириш жараёнидаги ўзаро муносабат. / Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008. №10. – Б. 29-31.

19. Авчиев М. Иқтисодийни модернизациялашда инвестицияларнинг ўрни. / Бозор, пул ва кредит. 2008. № 7. – Б. 21-23.
20. Аҳадов А. Кучли қонунчилик – барқарор иқтисодий пойдевори. / Бозор, пул ва кредит. 2008. № 1. – Б. 12-20.
21. Бурханов А. Саноат корхоналарида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари. / Бозор, пул ва кредит. 2008. №6. – Б. 33-36.
22. Бурханов У. Давлат хариди. – Тошкент, 2010. – 160 б.
23. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. - Т.: «Молия», 2010, 328 бет.
24. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: «Молия» нашриёти, 2003. 332 б.
25. Ғозибеков Д.Ғ., Сабиров О.Ш., Мўминов А.Г., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Т.: «Fan va texnologiya», 2004. 308 б.
26. Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма - Т.: - «Шарқ», 2003. - 225 б.
27. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011 й. – 462 б.
28. Самарходжаев Б. Инвестиции в Республике Узбекистан. - Т.: Изд. «Академия», 2003. - 239 с.
29. Хайдаров Ш. Реал сектор ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш. 2009. № 02. 48-50 бет.
30. Богатин Ю.В., Швандар В.А. Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов - М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2000. - 286 с.
31. Голов Р.С. Инвестиционное проектирование: Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г.
32. Згонник Л.В. Антикризисное управление. Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г.-208 стр.
33. Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. – М.: Книгодел, 2010 г. – 184 стр.
34. Ивасенко А.Г. Инвестиции: источники и методы финансирования. – М.:Изд.“Омега Л ”, 2009 г. – 261 стр.
35. Касимов Ю.Ф. Финансы и инвестиции. – М.: “Анkil ”, 2008 г. – 232 стр.
36. Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ. Учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2010 г. – 204 стр.
37. Просветов Г.И. Инвестиции: Задачи и решения. Учебно – практическое пособие. – М.: “Альфа - Пресс”, 2009 г. – 408 стр.
38. Ромаш В. М., Шевчук В. И. Финансирование и кредитование инвестиций. Учеб. пос. - Минск: «КНИЖНИЙ ДОМ», «МИСАНТА», 2004. - 160 с.
39. Ткаченко И.Ю. Инвестиции. Учебное пособие. – М.: “Академия ”, 2009 г. – 240 стр.
40. Филин С.А. Страхование и хеджирование рисков инвестиционной деятельности. – М.: “Анkil ”, 2009 г. – 408 стр.
41. Хазанович. Э.С. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2011 г. – 312 стр.

Интернет сайтлари:

- www.kapital.com
- www.fin.go.ca/
- www.businesspress.ru
- www.referat.ru
- www.nbu.com
- <http://www.mf.uz//>
- <http://www.cer.uz//>
- <http://www.tfi.uz//>
- <http://www.gov.uz//>